



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ХАТМАТЛИК ҚАРОРИ

Шеробод тумани 2023 йил 5 апрель 4-1902-2302/896-сонли иш

Шеробод туманлараро иқтисодий суди судьяси Х.З.Хақимов
томонидан даъвогар

нинг жавобгар

га нисбатан киритган даъво аризаси бўйича
кўзғатилган иқтисодий ишни Шеробод туманлараро иқтисодий
судининг маъмурий биносига, соддалаштирилган иш юритиш тартибида
кўриб чиқиб, қуйидагилар

аниқланди:

(бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) иқтисодий
судга даъво ариза билан мурожаат қилиб,
(бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)дан
компенсация тўловларидан вужудга келган сўм қолдиқ
қарздорликни ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан
буён матнда ИПК деб юритилади) 203²-моддасининг биринчи қисмига
кўра агар даъвонинг баҳоси юридик шахсларга нисбатан базавий
ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан, яқка тартибдаги
тадбиркорларга нисбатан эса беш бараваридан ошмаса, даъво аризалари
бўйича ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб
чиқилиши лозим.

ИПК 203⁴-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган ўн беш
кунлик муддат давомида жавобгар даъво аризаси юзасидан ўзининг ёзма
фикрини тақдим этмади.

Суд ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги
асосларга кўра даъво аризани тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Ишдаги мавжуд ҳужжатлардан аниқланишича, Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 апрелдаги
“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитни муҳофаза
қилишнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш
тўғрисида”ги 202-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон
Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва

чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисида” ги Низом (бундан буён матнда Низом деб юритилади)нинг 26-бандида I ва II тоифага мансуб компенсация тўловчи субъектлар ҳар чоракда атроф табиий муҳитни ифлосланттирилганлиги, чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-санасигача аванс компенсация тўловини, 27-бандида III ва IV тоифаларга мансуб компенсация тўловчи субъектлар томонидан атроф табиий муҳитни ифлосланттирилганлик ва чиқиндиларни жойлаштирилганлик учун компенсация тўловлари йилига бир марта, ҳисобот давридан кейинги йилнинг 5 февралигача амалга ошириши белгиланган.

Низомнинг 30-бандида маблағлар ўз вақтида ўтказилмаган тақдирда, муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун компенсация тўлови бўйича қарздорлик суммасининг 0,1 фоизи миқдориди, бироқ қарздорлик умумий суммасининг 50 (эллик) фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня ундирилиши назарда тутилган.

Юқоридаги Низомнинг 32-бандига кўра, компенсация тўловчи субъектлар қуйидагиларга мажбур:

компенсация тўловларини ўз вақтида ҳисоблаш ва тўлаш;

ушбу Низомга мувофиқ компенсация тўловлари ҳисоб-китоби суммаларини Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органларига келишиш учун қоғоз ёки электрон шаклда тақдим этиш;

компенсация тўловлари ҳисоб-китоби маълумотларининг ҳаққонийлигини таъминлаш, компенсация тўловларини ҳисоб-китоб қилишда йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида бартараф этиш;

ушбу Низом талабларига риоя қилиш.

Иш ҳужжатларига кўра, жавобгар томонидан [REDACTED] йиллардаги савдо фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитни ифлосланттирилганлиги ва чиқиндиларни жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларидан [REDACTED] сўмлик асосий қарздорлик вужудга келган бўлиб, ушбу қарздорлик суммаси тўланмаган.

Даъвогар томонидан юзага келган қарздорликни тўлаб бериш ҳақида [REDACTED] йил [REDACTED] даги жавобгарга юборилган огоҳлантириш хати оқибатсиз қолдирилган. Натижада тарафлар ўртасида низо келиб чиққан.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нинг 236-моддасига кўра мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 34-моддаси олтинчи қисмига кўра, атроф муҳитни ифлосланттирилганлик учун, шунингдек табиатдан лимитда (нормативда) белгиланганидан ташқари ва ўзгача тарзда нооқилона махсус

фойдаланганлик учун компенсация тўловлари юридик шахснинг даромадидан (фойдасидан) ундирилиши белгиланган.

Шунингдек, ушбу модданинг ун биринчи бандига кўра, табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларни ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловларини тўлаганлик юридик ва жисмоний шахсларни қўлга олиш тадбирларини бажаришдан ва етказилган зарарнинг ўрнини тўлаш мажбуриятидан озод этмаслиги белгиланган.

Шунга кўра жавобгар [REDACTED] компенсация тўловларини ўз вақтида ҳисоблаш ва тўлаш, ушбу Низомга мувофиқ компенсация тўловлари ҳисоб-китоби суммаларини даъвогар вакилига келишиш учун қоғоз ёки электрон шаклда тақдим этиш мажбуриятлари зиммасига юклатилган.

Ушбу қарздорлик ишдаги мавжуд далиллар билан ўз исботини топган.

Шу сабабли, даъвогарнинг жавобгардан [REDACTED] сўм компенсация тўловини ундириш тўғрисидаги даъво талаби асосли ҳисобланади.

Суд, юқоридагиларни инобатга олиб, даъвогарнинг даъво аризасини тўлиқ қаноатлантиришни, жавобгар [REDACTED] дан даъвогар [REDACTED]

[REDACTED] га компенсация тўловларидан вужудга келган [REDACTED] сўм қарздорлик ва [REDACTED] сўм почта харажатини ундиришни лозим топди.

ИПК 118-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилиши белгиланган.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган “Давлат божи ставкаларининг миқдорлари” 2-бандининг “а” кичик бандига кўра, мулкый хусусиятга эга даъво аризаларидан даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида, бироқ БҲМнинг 1 бараваридан кам бўлмаган миқдорда давлат божи тўланиши лозим.

Суд, даъво аризани тўлиқ қаноатлантиришни, жавобгардан даъвогар фойдасига компенсация тўловларидан вужудга келган [REDACTED] сўм қолдиқ қарздорликни ва олдиндан тўланган [REDACTED] сўм почта харажатини, Республика бюджети ҳамда суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 300000 сўм давлат божини ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179, 186, 203⁴, 203⁵-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л а д и :

Даъво ариза тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED] дан
даъвогар [REDACTED] га компенсация туловларидан вужудга келган
[REDACTED] сўм қолдиқ қарздорлик ва [REDACTED] сўм почта харажати
ундирилсин.

Жавобгар [REDACTED] дан
республика бюджети ҳамда [REDACTED] имияти органларини ривожлантириш
жамғармасига [REDACTED] сўм да [REDACTED] жи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақалари берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори ўн кун муддат ўтиб қонуний кучга киради,
ҳал қилув қарори устидан Сурхондарё вилоят судига ҳал қилув қарори
қонуний кучга киргунга қадар апелляция тартибида Шеробод
туманлараро иқтисодий суди орқали шикоят берилиши (протест
келтирилиши) мумкин.

Судья

Х.З.Ҳақимов